

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БАНК ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Х.Р.Абдукаримов¹

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида банк тизимида олиб борилган ислохотлар, банк тизимидаги ўзгаришлар ҳақида таҳлиллар келтириб ўтилган. Шунингдек, тижорат банклари даромадларини ошириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: банк, банк тизими, банк ислохотлари, Марказий банк, тижорат банклари, банк операциялари, омонат, кредит.

Кириш. Мамлакатимизда бугунги кунда кўплаб соҳаларда, хусусан иқтисодиётда ва банк тизимида самарали ислохотлар амалга оширилмоқда. Тобора шиддатли кечаётган замонга мутаносиб равишда мамлакатимиз банк тизими ҳам ўзгариб, янгиланиб бормоқда. Мазкур янгиланишлар замирида соҳанинг ҳуқуқий базаси ва ҳимояланганлиги муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституциясида ҳам банк амалиётлари билан боғлиқ норма ва қоидалар киритилиб, унинг муҳофаза даражасини янада оширади, барқарорлигини таъминлайди, фуқароларнинг банкларга бўлган ишончини оширади.

Адабиётлар шарҳи. Янги таҳрирдаги Конституцияда инсон қадрлари, унинг манфаатлари ва халқ учун кенг қўламдаги ўзгаришлар ўз аксини топмоқда. Бунга мисол қилиб, Конституциянинг 41- моддасида айтилишича, “Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банк операцияларининг, омонатларнинг ва ҳисобварақларнинг сир тутилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади”²

Шундай экан, банк амалиётларининг, омонатларининг ва ҳисобварақларининг сир тутилиши, шунингдек мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланишига доир бўлган конституциявий норма республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини оширишга қаратилган бўлиб, республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустаҳкамлаш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давомидир. Конституцияга киритилган мазкур ўзгариш кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада оширишга, тадбиркорлик субъектлари ва банклар ўртасида тўлақонли ҳамкорлик муносабатлари шаклланишига, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимида ишончли институтционал ҳамкор сифатида қарашларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

«Банк тизими» тушунчаси биринчи навбатда «Банк ва тизим» каби ташкилий тузилмани ташкил қилувчи тушунчаларни аниқлашни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан банк - тижорат муассасаси бўлиб, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни ўз номидан, тўловлилик, муддатлилик, қайтиб бериш шарти асосида жойлаштириш операцияларини ва бошқа банк операцияларини бажаради.³

¹ ҚарМИИ, “Банк иши ва аудит” таълим йўналиши талабаси

²<https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023

³Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Алимов И.И., Тожиёв Р.Р. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2009-220 б



Баъзи адабиётларда эса, «банк - бу корхона», деб ҳам изоҳ берилади. Бизга маълумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига шу жихатдан ўхшатиш мумкинки, тижорат банклари ҳам корхоналар сингари ўз фаолиятини, ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда биринчидан, ўз асосчилари - акциядорларининг манфаатларини, иккинчидан эса, ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Демак, Тижорат банклари банк тизимининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар юридик ва жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади.

Таҳлил усуллари. Ўзбекистон Республикасида ҳам банклар мустақилликнинг дастлабки йиллариданок ўз иш фаолиятларини сезиларли даражада олиб борганлар.

1991-1992 йиллар банклар фаолиятига доир қарашларда чинакам бурилиш йиллари бўлди. Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг қабул қилиниши икки даражали банк тизимининг таркиб топиши ва мамлакат Марказий банки зиммасига янги вазифалар юкланиши учун асос бўлиб хизмат қилди. Унинг олдига пул муомаласини тартибга солиш, тижорат банклари тизими ҳамда тўлов тизимини шакллантириш вазифалари қўйилди. Иқтисодийнинг турли тармоқларини молиялаштириш энди ташкил этиладиган, замонавий тамойил ва талаблар асосида фаолият юритувчи ихтисослашган тижорат банклари томонидан амалга оширилиши лозим эди.

1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни иккинчи даражали банк тизими — тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосини конкретлаштирди. Банк тизимига тааллуқли икки асосий ҳужжат — "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ҳамда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг ишлаб чиқилишида ривожланган молия тизимига эга мамлакатлар тажрибаси инобатга олинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Мазкур қонунлар, шунингдек, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун нодавлат банкларнинг хусусий ва акциядорлик-тижорат шаклида ташкил этилишига қулай ҳуқуқий шароит яратди. Бу даврда банк тизими ривожига алоҳида таъсир этган икки омилни ажратиш кўрсатиш мумкин. Биринчиси, олиб борилган ислохотлар натижасида 1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар бошқарув ва банк назоратининг тўла ҳуқуқли органи бўлди. Иккинчиси, Ўзбекистон Республикаси "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонуни иккинчи даражали банк тизими – тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий асосини аниқ-пухта белгилаб берди.

2006-2007 йилларда Ипотекавий кредитлашнинг ривожланиш даври бўлди, десак муболаға бўлмайди. Банк хизматларининг мазкур янги шакли маҳаллий аҳоли томонидан дарҳол ижобий баҳоланди. Аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни ижтимоий ҳимоялашни кўзда тутовчи ушбу манба Ўзбекистон Республикаси "Истеъмол кредити тўғрисида"ги ва "Ипотека тўғрисида"ги Қонунлари орқали мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмол кредити тўғрисида"ги Қонуни истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мазкур қонун турар-жой ва маиший шароитларни яхшилаш борасида аҳолининг имкониятларини янада кенгайтиришга, бинобарин, банкларда истеъмол кредитлаш ҳажмининг сезиларли даражада ошишига хизмат қилади.



2006 йилнинг октябрь ойида эса Ўзбекистон Республикаси “Ипотека тўғрисида”ги қонуни кучга кирди. Кўчмас мулкни харид қилиш учун кредитлар ажратишнинг ҳуқуқий механизми ўзида мустаҳкамлаган ушбу қонун ҳужжати банк ипотекавий кредитлаш ривожига муҳим аҳамият касб этди. Ундан кўзланган асосий мақсад кўчмас мулкка гаров қўйишда юзага келувчи муносабатларни тартибга солишдан иборат эди. Бу даврда, шунингдек, банкларнинг стратегиялари нақд пул муомаласини мустаҳкамлашга, ҳар бир филиалда нақд пул захираларини шакллантиришга ва ўз фаолиятида самарадорликни оширишга қаратилди.

“2005–2007 йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури”да белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши банклар капиталлашув даражаси ва кўрсаткичларининг барқарор ўсишини таъминлаган ҳолда, банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва либераллаштиришда муҳим омил бўлди.

2010 йилга келиб, Ўзбекистон тижорат банклари, аввало, ихтисослашган кредит институтлари сифатида кўзга кўрина бошлади. Бу, бир томондан хўжаликларнинг вақтинча бўш маблағларини жалб этиши, бошқа томондан эса жалб этилган маблағлар ҳисобидан корхоналар, хусусий тадбиркорлар ва аҳолининг молиявий эҳтиёжларини қондириши билан долзарб аҳамият касб этди.

Яна эътиборлиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармонининг **III. Иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва барқарорлигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси ва депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлилигини мустаҳкамлаш, истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш” вазифаси алоҳида таъкидлаб ўтилди.**⁴

Натижа ва муҳокамалар. Бугунги кунда мамлакатимизда тижорат банклари билан бир қаторда бир қанча хусусий банклар ҳам ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ушбу банклар ҳамда тижорат банклари ўртасида рақобат муҳити пайдо бўлмоқда. Соғлом рақобат бор жойда эса, албатта юксалиш бўлади.

Хорижий ва маҳаллий экспертларнинг қайд этишича, сўнгги йиллар давомида республикада асосий тамойил — ихтисослашувдан узоқлашиш ва банк фаолиятида универсаллаштиришни чуқурлаштириш кузатилмоқда. Бу эса банк операциялари мазмуни ва кредит муносабатлари моҳиятини олдиндан белгилаб беради.

Шунингдек, Марказий банк бошқарувининг 2023 йил 27 июлдаги йиғилишида асосий ставкани 14 фоиз даражасида ўзгаришсиз қолдириш бўйича қарор қабул қилинди⁵

Бозор иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана бори. Ҳозирги шароитда банклар тобора кўпроқ фақат соф банк операцияларини бажарадиган эмас.

Тижорат банклари қуйидаги операцияларни бажаради:

- пассив операциялар;
- актив ссуда операциялари;
- банк хизматлари ва воститачилик операциялари;
- банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган операциялар ва бошқалар.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль

⁵ https://cbu.uz/oz/press_center/news/1209668/



Шу билан бирга банклар молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмоқда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради. Масалан: банклар валюта операцияларини бажарганда саррофлар-брокерлар сифатида майдонга чиқадилар ва катта микдорда воситачилик хаки оладилар. Лекин бу операциялар банк балансида акс эттирилмайди. Хозирги пайтда йирик тижорат банклари қарийиб 350 турдаги молиявий хизмат курсатмоқда.

Бугунги кунда тижорат банклари етарли даражада техник жихозланганлиги ҳамда керакли ахборот базаларига ва малакали кадрларга эгалиги банкларни ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидан бири қилиб қуймоқда. Қимматли қоғозлар бозорида банклар бир вақтнинг ўзида ҳам инвестор ҳам эмитент сифатида катнашмоқда. Банкларнинг бошқа хўжалик субъектларига нисбатан стабил молиявий ҳолатга эгалиги қимматли қоғозлар бозорида операцияларда қатнашишга имкон бермоқда. Республикада тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида актив иштирок этишини сабабларидан яна бири банкларнинг низом капиталини ошириш соҳасида ўз акцияларини сотишга бўлган интилишдир.

Шундай экан, бугунги кунда ҳар бир тижорат банки ўз даромадларини ошириш, рақобат муҳитида инқирозга учрамаслиги учун ўз фаолияти соҳасида бир қатор вазифаларни амалга ошириши лозим. Буларга мисол қилиб қуйидагиларни айтишимиз мумкин:

- банкларни молиявий хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш;
- тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозорида акциялардан ташқари депозит ва жамғарма сертификатлар билан ишлашни ҳам йўлга қўйиши;
- Жаҳон банклари иш фаолиятидаги каби ахборотларни сотиш ва молиявий маслаҳатлар каби хизматларни йўлга қўйиш;
- Тижорат банкларида «Траст» хизматлари фаолиятини кенгайтириш ва ҳоказолар.

Хулоса. Демак, Банк тизими- бу мамлакат ҳудудида тарихан шаклланган ва қонун билан мустаҳкамланган кредит ташкилотларининг фаолият кўрсатиш шаклидир.

Кредит молия-тизимининг барқарорлигини таъминлаш, унинг алоҳида бўғинларининг биринчи навбатда тижорат банклари фаолиятини барқарорлигини таъминлаш мамлакат марказий банкнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Банклар ва улар томонидан ажратилаётган кредитлар ёрдамида мавжуд капитал тармоқлар ўртасида, ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида тақсимланади ва қайта тақсимланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://lex.uz/docs/6445145>. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 30.04.2023
2. Рашидов О.Ю., Тоймухамедов И.Р., Алимов И.И., Тожиев Р.Р. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. –Т.: ТДИУ, 2009-220 б
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони. Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 8 февраль
4. https://cbu.uz/oz/press_center/news/1209668/
5. Zoyirovna, M. K., & O'gli, A. H. R. (2022). Strong directions for improving economic capital in the territory of kashkadarya region. *Gospodarka i Innowacje.*, 29
6. Muzaffarova, K., & Abdukarimov, K. (2022). Factors influencing the formation of the investment environment in the regions. *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры*, 2(5)
7. Музаффарова, К. З. (2022, December). Қашқадарё вилоят иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этиш омиллари. In *international conferences* (Vol. 1, No. 18)



8. Zoyirovna, M. K. (2022). Dynamics of attracting foreign investments to the economy of kashkadarya region and the factors affecting it. *Gospodarka i Innowacje.*, 29
9. Zoyirovna, M. K. (2022). Importance of enterprises with foreign investment in the development of the regional economy. *Gospodarka i Innowacje.*, 29.
10. Muzaffarova, K. Z., & Abdugarimov, X. R. (2023). Xorijiy investitsiyalarni jalb etishda tijorat banklarining faolligini oshirish asoslari. *Gospodarka i Innowacje.*
11. Музаффарова, К. З., & Эшмуродова, С. У. (2023). Иқтисодийнинг ривожланишида тижорат банкларининг инвестицион фаолиятининг аҳамияти. *Gospodarka i Innowacje.*
12. Бердиев, А. Х., & Музаффарова, К. З. (2023). Мамлакат иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишнинг аҳамияти. *Gospodarka i Innowacje.*
13. Узоков, Н., Хушмурадов, О. Х., & Бабаева, Л. (2014). РОЛЬ ИНВЕСТИЦИИ В МОДЕРНИЗАЦИИ И РАЗВИТИИ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНОЙ ЭКОНОМИКИ. In *ФЕНОМЕН РЫНОЧНОГО ХОЗЯЙСТВА: ОТ ИСТОКОВ ДО НАШИХ ДНЕЙ* (pp. 376-378).
14. Oman, X., & Alisherovich, T. S. (2022). THE ROLE AND IMPORTANCE OF CLUSTERS IN THE AGRICULTURAL SECTOR. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 202-206.
15. Хушмурадов, О. (2023). ҒАЛЛАЧИЛИКДА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ЭРКИН РАҚОБАТ ГАРОВИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 411-419.
16. Хужакулов, Х. Д., & Хушмурадов, О. Н. (2023). ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 9-18.
17. Хуррамов, А. Ф. Туробов Шерзод Алишерович, & Мингбоев Шухрат Мингбой Ўғли (2018). *Уй хўжалигида инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг иқтисодий механизми. Экономика и финансы (Узбекистан)*, (8), 16-20.
18. Хуррамов, А. Ф., Маматов, А. А., Мингбоев, Ш. М. Ў., & Туробов, Ш. А. (2018). Иқтисодий ресурсларнинг доиравий айланиш моделида уй хўжалигининг тутган ўрни. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (9), 2-6.
19. Fayzullayevich, X. A. (2023). ECONOMIC SECURITY AS A NECESSARY CONDITION FOR THE SUSTAINABLE DEVELOPMENT OF THE ECONOMIC SYSTEM. *Gospodarka i Innowacje.*, 185-191.
20. Fayzullayevich, X. A. (2023). THE LEVEL OF ECONOMIC SECURITY OF KASHKADARYA REGION AND THE METHODOLOGY OF ITS ASSESSMENT. *Gospodarka i Innowacje.*, 420-425.
21. Murodov, J. (2020). Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохатлар кўлами. *Архив научных исследований*, (29).
22. Муродов, Ж. (2022). ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ИННОВАЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ. *Economics and education*, 23(Maxsus_son), 576-581.
23. Utanov, B., Mamatkulov, B., Akhmedova, M., Murodov, J., & Abdikulova, D. (2021). Correlation Of The Interaction Of Agricultural Production With The Volume Of Dehkanproduction In Uzbekistan. *Ilkogretim Online*, 20(3), 1706-1717.
24. Муродов, Ч., & Муродова, М. (2014). Агрокластер: ташкил этишнинг назарий асослари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (2), 19-25.
25. Alisherovich, T. S. (2023). IMPROVING ACCOUNTING AND ITS MAINTENANCE IN BANKS. *Gospodarka i Innowacje.*, 31, 15-20.
26. Alisherovich, T. S. (2023). ENTREPRENEURSHIP DEVELOPMENT POLICY IN RURAL HOUSEHOLDS. *Gospodarka i Innowacje.*, 37, 128-132.



27. Туробов, Ш. А. (2023). УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ. *Gospodarka i Innowacje.*, 426-431.
28. Туробов, Ш., & Намозов, Б. (2023). TIJORAT BANKLARI FAOLIYATI TAHLILINI TASHKIL QILISH. *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences.*, 3(S/3), 127-133.
29. Alisherovich, T. S., & Ugli, N. B. B. (2023). Internal Control in Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 3(3), 34-39.

